

АДАБИЙ БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТНОМА НАШРЛАР
ЛИТЕРАТУРНО-БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЕ СПРАВОЧНЫЕ ИЗДАНИЯ
LITERARY BIBLIOGRAPHICAL REFERENCE PUBLICATIONS

Матмурадова Малика Исаевна

Ўзбекистон санъат ва маданият институти “Кутубхона фондлари ва библиографияшунослик” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада адабий библиографик маълумотнома нашрлар таҳлил қилиган ва уларнинг аҳамияти, маълумотнома нашрлар орқали вилоятлардаги ёзувчи ва шоирларнинг ижодий ютуқлари билан таниши мумкинлига ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация: В статье анализируются литературно-библиографические справочные издания и приводятся сведения об их значении, возможности знакомиться с творческими достижениями писателей и поэтов регионов посредством справочных изданий.

Abstract: The article analyzes literary bibliographic reference publications and provides information about their importance, the possibility to get acquainted with the creative achievements of writers and poets in the regions through reference publications.

Калит сўзи: маълумонома, адабий маълумонома, библиографик тўплам, адабий мерос, нашрлар.

Ключевые слова: ссылка, литературная справка, библиографический фонд, литературное наследие, публикации.

Key word: reference, literary reference, bibliographic collection, literary heritage, publications.

Маълумот нашлари фонди-Ахборот-кутубхона марказлари ва Ахборот-ресурс марказлари маълумот-библиографик аппарати (МБА)нинг бир қисми бўлиб, библиографик фаолиятнинг ҳамма жараёнларини олиб бориш учун зарур бўлган нашрлари ва директив (йўл-йўриқ кўрсатувчи) хусусиятга эга бўлган материалларни ўз ичига олади.

Маълумот нашрлари-илмий маълумот берувчи босма маҳсулот-лардир. Уларда маълумотлар китобхонга ахборотни қидиришга қулай ҳолда, яъни материалларнинг изоҳли алифбоси ёки хронологик тартибда жойлаштирилган бўлади. Жумладан, биографик лугатлар ҳам алоҳида нашрлар гурухини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вилояти қадимдан ўзига хос тараққиёт тарихи ва бой адабий меросига эга. Ана шу адабий меросни асрараш ва келажак авлодга қолдириш каби хайрли ишларга қўл урилган. Шу нуқтаи назардан

адабиётшунос олим С. Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” (1992,1993,1997,2007,2016), “Совет Ўзбекистони ёзувчилари” (ўзбек ва рус тилида). Шунингдек, ёзувчи ва шоирлари ҳақида қатор шунга ўхшаш маълумот нашрлари тайёрланган ва чоп этилган. Жумладан, адабиётшунос олим П.Равшановнинг 1985 йилда нашр этилган “Адабий саҳифалар” (Қашқадарё ўтмиш адабий хаёти тарихидан) рисоласи Қашқадарё адабий хаётини ўрганишда адабиётшунос олим ва танқидчи Бойназар Йўлдошевнинг “Насаф нафаси” (1992), “Қашқадарё бадиияти” (1998), “Қашқадарё адиблари” (2018), “Андижон шоир ва ёзувчилари” баёзи (2005), Амир Карим томонидан тўплаб ва нашрга тайёрланган “Қашқадарё баёзи” (2008), ”Қорақалпок адиблари”, “Самарқанд адиблари” (2017), “Қўқон адиблари”, Й. Солижоновнинг “Фарғона адиблари”, Ҳамидjon Ҳамидий ва Маҳмуджон Маъмуроловларнинг “Наманганд адиблари”, Н.Каримовнинг “Тошкент шоирлари” (2007), Самарқанд ижодкорлари” (2018) каби библиографик маълумоннома нашрлар чоп этилган.

Адабиётшунос олим П.Равшановнинг 1985 йилда нашр этилган “Адабий саҳифалар” (Қашқадарё ўтмиш адабий хаёти тарихидан) рисоласи Қашқадарёда XX асрнинг 20 йилларига қадар вужудга келган адабий хаёт тарихини ёритишига бағишлиланган дастлабки ишлардан бири ҳисобланади. ”Адабий саҳифалар” рисоласида 21 таш шоир ва 8 та хаттот ҳақида маълумот берилган.

Муаллиф рисолада Қарши ва шаҳрисабз кечмиши ҳамда адабий хаёт тараққиёти ҳақида тўхталган, дастлаб шоир ва адибларнинг ҳаёти хронологик тартибда берилган бўлиб, туғилган йили, ижодкорларнинг асли исми ва тахаллуси, тахаллусининг маънолари, касб-кори, қайси жойдан эканлигига ҳам катта эътибор берилган, қасидалари ва қитъаларидан намуналар келтирилган. Шунингдек, шоир ва адабиларнинг шогирдлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

21 та шоирдан 9 таси Насафий тахаллуси билан ижод қилгани рисолада қайд этилган. Шунингдек, рисолада хаттотлар тўғрисида ҳам баиафсил маълумотлар келтирилган, Қарши хаттотлик мактабининг йирик вакилларидан Сайдназар Насафий, Иброҳим Девона шаҳрисабзий, Бобобек Иштабир, Мирзо Абдуваҳҳоб, Имомиддин Шаҳрисабзий, Абдуллобек котиб, Мухаммад Латиф кабиларнинг ҳаёт ва фаолият ҳақидаги қимматли маълумотлар берилган. Жумладан,Имомиддин Шаҳрисабзий жуда маҳсулдор хаттот бўлгани У кўчирган китоблар сони 200 дан ортиқ эканлигини манбадан билиш мумкин.

Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий тахаллуси билан ижод қилган шоир, тарихчи ва тазкиранавис сифатида машҳур бўлиб, 1880-1945 йилларда яшаб ижод этган. Лаффасий ўзининг “Хива шоир ва адабиётшуносларининг таржимаи ҳоллари” тазкирасида хронологик тартибда халқ орасида машҳур бўлган Мунис Хоразмий, Оғаҳий, Роғиб, Феруз ва Чокар каби 53 шоирнинг таржимаи ҳоли ва

асарлари ҳақида маълумот беради. Асарда ҳар бир ижодкорнинг биографияси, бадиий маҳорати, ўша даврдаги мавқеи ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари Лаффасий ўз шеърларидан ҳам намуналар келтиради. Лаффасийнинг тазкираси араб ёзувидаги қўлёзмалари асосида 1950-йилларга келиб адид ва журналист М. Бобожонов томонидан янги манбалар билан тўлдирилган ҳолда кирилл алифбосига кўчирилган. 1992 йилда журналист П.Бобожонов томонидан қайта тайёрланиб, кирилл алифбосида нашр этилган. 1967 йилда Юнус Юсуповнинг “Хоразм шоирлари” номли адабий-биографик очерклар китоби чоп этилади. Ушбу китобда 9 шоир ҳақида маълумотлар берилган ва асарларидан намуналар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек маданияти, санъати ва адабиёти тараққиётида кўхна ва навқрон Хоразм вилоятининг ўрни катта. Хоразмда етишган буюк олим, санъаткор ва шоирлар-адибларнинг номи, бутун дунёга машҳур бўлиб кетган. Уларнинг меросини тадқиқ этиш ва оммалаштириш борасида қўплаб изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, академик В.Абдуллаевнинг “XVII-XVIII асрларда Хоазмда ўзбек адабиёти” мавзусидаги докторлик диссертацияси амалга оширилди.

1994 йилда “Адабиёт ва санъат нашриёти”да Бобожон Тарроқ Азизов-Ходимнинг ”Хоразм навозандалари” - XIX аср охири- XX аср бошларида Сайд Муҳаммад Раҳимхони соний даврида яшаган шоирлар ҳақида эсадаликлар китоби чоп этилди. Ушбу рисоладан Феруз саройида хизмат қилиган шоирларнинг раҳбари, девон вазифасида ишлаган Бобожон Тарроқ Ходимнинг хотиралари ўрин олган бўлиб, у 31 сарой шоирларининг ҳаёти, ижоди, ижтимоий фаолияти ҳақида муҳтасар ва бой маълумот берувчи қимматли манбадир.

Ушбу китобда ҳар бир шоир ҳақида қўйидаги тартиб бўйича жавоб берилган: Шоирнинг ўз номи, отасининг номи, шоирнинг адабий тахаллуси, шоирнинг туғилган жойи, шоирнинг ижтимоий аҳволи, шоирнинг илмий даражаси, шоир асарларига девон тартиби берилганми, шоир мансабдор бўлганми, халқ билан алоқаси қандай бўлган, неча ёшдан ижод билан шугулланган, унинг сабаблари, шоир соз илмидан хабардор бўлганми ё йўқми, шоирнинг аҳлоқий томонлари, шоир неча ёшда вафот этган, шоирнинг жасади қайси қабристонга қўйилганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Юқорида тилган олинган ва таҳлил қилинган тазкира ва луғатлар алоҳида шахсларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган. Келтирилган манбалар Хоразм адабий муҳитини ўрганишда асосий манбалар бўлиб ҳисобланади.

Муаллиф Бойназар Йўлдошевнинг 1998 йилда нашр этилган Қашқадарё адабий муҳити тарихини ёритишга бағишлиланган яна бир асари “Қашқадарё бадиияти”

(тазкираси, адабий-танқидий мақолалар, мұмтоз адабиёт ва халқ достонлари, ижодига чизгилар) алохіда ақамиятта эга. Ушбу адабий-танқидий мақолалар ва тазкира йұналишдаги фикрий мезонлардан ташкіл топған нашрда муаллиф Қашқадарёда яшаб ижод этган халқ бахшилар, үтмиш ёзма адабиёти ҳамда ҳозирги давр шоирлари ва адіблари ижодини таҳлил қилиш асосида Қашқадарё ваҳоси адабий ҳаётининг шаклланиши, үзига хос тараққиёт йұналишларини белгилашга ҳаракат қылған.

Жумладан, тазкиранинг “Ҳозирги давр Қашқадарё адабиёти” деб номланған бўлиб, унда 52 та шоир ҳақида маълумот берилган. Дастрраб, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижодига назар ташлагани ва шоир яратган шеърлар таҳлил қилинган.

“Бу бўстон аро...”(Тазкира) деб номланған бўлимининг “назм бўстони” да 53 та, ”Наср гулистони”да 14 та, ”Кеш ёғдулар”да 23 та,”Муборак овозлар”да 9 та ижодкор; “Ўтмиш Қашқадарё ёзма адабиёти тарихидан лавҳалар” бўлимида 15 та ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Шунингдек, Б. Йўлдошевнинг “Қашқадарё бадийяти” асарида бой халқ оғзаки ижоди, қадимий устоз-шогирдчилик анъанасига эга бўлган достончилик мактаблари таҳлили этилганлиги ҳам ишнинг янада салмоғини оширган.

Китобда “Қашқадарё воҳаси оғзаки ижодиёти ва достончилик анъаналри ҳақида” плоҳида урғу берилиб, оғзаки ва достончилик анъаналари тарихига чизгилар берилган. Масалан, 1936 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвонга сазовар бўлган Абдулла шои Нурали ўғли , Қодир бахши ва унинг стоз-шогирчилик шаҳараси, Довруғи достон бахшилар сулоласи, яъни чироқчилик Маҳман, Мардон, Тогой ва Шомурод бахшилар, Зогир шоир Кўчкор ўғли Азим бахши, Қамар достончилик мактаби ва Бозхор бахши ижодларига чизгилар берилган.

2008 йилда Амир Карим томонидан тўплаб ва нашрға тайёрланган “Қашқадарё баёзи” асарининг биринчи жилди чоп этилган. Ушбу китобда 49 та шоир ҳақида маълумотлар берилган, асарларидан намуналар келтирилган.

2008 йилда “Шаҳрисабз баёзи” китоби дунёга келишида И. Норов ва И.Тўламуродловлар иштирок этишган. Бу нашрға Зухра Очилова муҳаррирлик килган. Китобда Шаҳрисабзда таваллуд топған ва ижод қилиб келаётган 25 та шоир ва шоираларнинг таваллуд саналари, касби ва чоп этилган шеърий тўпламлари, ўқиши жойлари ҳамда шеъларидан намуналар келтирилган.

2007 йилда Ҳамидjon Ҳомидий ва Маҳмуджон Маъмуроловлар томонидан “Наманган адіблари” номли тазкира ҳарактеридаги рисола яратилди. Ушбу рисолада қадимул айёмдан ҳозигача кўхна Наманган вилояти худудида яшаб ўтган ва замондош адібларнинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида лўнда маълумот берилган.

Шунингдек, атоқли ижодкорлар билан бирга бир қаторда бир-икки китобларини нашр эттириб, эл назарига тушган иқтидорли, истиқболига умид боғласа бўладиган ёшларга ҳам китобда ўрин ажратилган.

“Наманган адиблари” китобида 136 та наманганлик шоир ва ёзувчининг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида қисқа, аниқ фикр юритилган ва асарларидан намуналар берилган. Китобда ўзга вилоятларда туғилиб, сўнг Наманганга келиб, уй-жой қилиб, ”наманганлик” бўлиб наманган адабий муҳити тараққиётига муносиб ҳисса қўшган адиблар ҳам киритилган. Рисалада адибларнинг қаерда таваллуд топгани, қаерада илм олгани, қандай вазифаларни бажаргани, энг муҳим асарлари ва шу каби ҳақида маълумот ҳам берилган. Кўлланмалармага киритилган адиблар алифбо тартибида эмас, тарихий-тарижий равишда жойлаштирилган. бундан ташқари, Наманган вилояти худудида таваллуд топган, бироқ бошқа юртларда яшаган ёки ижод қилаётган ёзувчилар ҳам китобда ўз аксини топган.

“Андижон шоир ва ёзувчилари” баёзи (2005) да Андижон адабий муҳити ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ўрининг, анъана ва салмоққа эга эканлиги қайд этилган бўлиб, ушбу китобда ҳозирда барҳаёт бўлган адаблар ҳаёти ва асарларидан намуналар келтирилган. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида 38 та ёзувчи ва шоир ҳақида маълумолар берилган. Жумладан, материаллар хронолдогик тартибда, яъни ижодкорнинг таваллуд йиллари бўйича жойлаштирилган. Таваллуд топган йили, маълумоти, меҳнат фаолияти, нашрлари, олган унвон ва мукофотлари ҳақида маълумотлар берилган.

Китобнинг иккинчи қисмида 52 та ижодкор ҳақида маълумотлар берилган. Улар асосан турли касб эгалари бўлишига қарамай, бадиий ижод билан шугулланганлардир. Уларнинг ҳам таваллуд жойи, йили ва вакти, маълумоти, меҳнат фаолияти, ижоди ва ижодидан намуналар берилган. Китобда адабилар тарихий таваллудга қараб берилган.

Й. Солижоновнинг “Фарғона адиблари” адабий портретлар (2005) ида Фарғона ва унинг атрофидаги шаҳар ҳамда туманларда яшаб ижод қилган, адабиётимиз ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўйган ва қўшаётган 31 та ижодкор тўғрисида маълумот берган.

Ушбу тазкирада Фарғонанинг муқаддас заминида туғилиб вояга етган юзлаб қалам ахли орасида энг сараларини, махсулдорини, умумўзбек адабиётига у ёки бу жанрга муносиб ҳисса қўша олган ижодкорлар, чунончи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари танлаб олинган. Китоб Фарғона адабий муҳитини тадқиқ этиш йўлида илк қадамдир. Й.Солижонов “Фарғона адиблари” тазкирасида адибларнинг тарихий таваллудига қараб тартиб берилган.

Адабиётшунос олим, академик Н.Каримовнинг “Тошкент шоирлари” номли рисоласи 2007 йилда яратиган бўлиб, ушбу рисолада XIX аср охири – XX аср

бошларида Тошкентда яшаган миллий уйғониш даври адабиётининг муҳим бир қисмини ташкил этган, ўз асарлари, педагогик ва ноширлик фаолиятлари билан мудроқ ватандошларини уйғотган Алмай, Камий, Абдулла Авлоний, Хислат, Мискин, Тавалло, Сидқий Хондайликий, Ғулом Зафарий сингари шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги манбалар берилган.

Рисолада шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, таҳсил олган жойи, адиблар ҳақидаги маълумотлар, асарларини нашрга қайта тайёрланиш жараёни, ғазалларининг яратишиш ва таҳлили, айнан шоирнинг ғазалларига боғланган мухаммаслар, шоир вафоти ва дағн этилган жойлари ҳам берилган.

А. Холбековнинг “Наманган адабий гулшани” (2007) китоби нашр этилган. Ушбу нашр ўзбек адабиётининг узоқ асрлик ва бой тарихида салмоқли ўрин тутиб келган Наманган адабий мұхитини, шу мұхитда етилган ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ёритишига бағищланган. Китобнинг биринчи қисми ўлка адабий ҳаётининг қадим замонлардан XIX асрғача бўлган даврларини, иккинчи қисми XX аср адабий мұхитини акс эттиради.

2018 йилда Ф.Тошев мұхаррирлиги остида “Самарқанд ижодкорлари” библиографик түплами нашр этилган. Библиографик түпламнинг дастлабки бўлимида “Самарқанд адиблари” деб бошланган бўлиб 218 та шоир ва ёзувчи ҳақида маълумот берилган. Иккинчи боби ”Адабиётшунос олимлар” деб номланган бўлиб унда 1785 йилдан 1967 йилларда таваллуд топган самарқандлик адабиётшунос олимлар ҳақида маълумотлар берилган. Кейинги боблари яъни “Оммавий ахборот воситалари заҳматқашлари” деб номланган бўлиб, унда Самарқанд шаҳрида фаолият юритган ва юритаётган 48 та шахс ҳақида маълумот берилган. Каттакўрғон шаҳрида фаолият юритган ҳамда юритаётган 14 та ходимларнинг ижодий фаолияти ҳам берилган. Шунингдек, “Булунғир”, “Жонбой”, “Иштихон”, “Каттакўрғон”, “Нарпай”, “Нуробод”, “Оқ дарё”, “Пайариқ”, “Паст Дарғон”, “Пахтачи”, “Самарқанд”, “Тойлок”, “Ургут”, “Кўшработ” туманларида фаолият юритган ва юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимларидан 372 тасининг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, Самарқанд матбуотига ҳисса қўшган шахсларда 52 тасининг ҳаёти ва фаолияти берилган. Вилоят ва шаҳар-туман газеталари фаолияти, газеталарнинг чиқиши вақти, манзили, электрон манзили, мұхаррирларининг исми шариф, уларнинг ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган. Оммавий ахборот воситаларнинг яқин ҳамкорлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган бўлиб, шундан 30 тасининг фаолияти кўрсатиган. Бу нашр албатта биринчи марта нашр қилинган бўлиб, бундан кенг китобхонлар оммаси, талabalар, адабиёт ўқитувчилар ҳамда шу ўлка адабий мұхити билан қизиқувчилар, илмий тадқиқот ишларин олиб бораётган илмий ходимлар фойдаланиши мумкин.

Б. Йўлдошевнинг “Қашқадарё адиблари” адабий портретларга чизгилар (2020) китоби нашр қилинган. Китобда Қашқадарё воҳасида етишиб чиқсан 133 та таниқли ёзувчилар, шоирлар, публицистлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг асарларида илгари сурилган муҳим мавзулар ва ғоялар, кўтарилиб чиқилган муаммолар, образлар бадиий –эстетик таҳлил этилган

Ушбу манбаларда келтирилган маълумотларни ўрганиш тадқиқотчилар, талабалар, шу давр адабий муҳити билан қизиқувчилар учун яқиндан ёрдам беради.

Фикримча, ҳар бир вилояти ахборот-кутубхона маркази ва Вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда ўлка шоир ва ёзувчилар ҳақида ана шундай маълумотлар билан бойитилган китоб тайёрласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу вилоятда етишиб чиқсан шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан республикамиздаги барча адабиётга қизиқувчи китобхонлар учун ҳамда филология, тарих, маданият ва санъат соҳасида илмий - тадқиқот ишларини олиб бораётган илмий ҳодимлар учун катта илмий-амалий манба бўлган бўларди. Шунингдек, бугунги кунда Халқаро туризм ривожланаётган бир пайтда нафакат Ўзбекистонлик, балки хорижий меҳмонларимиз, ижодкорларимиз ҳам ўлка адабиёти тарихи ҳамда ҳозирги кунда қалам тебратаетган замонавий шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконига эга бўладилар. Ҳар бир вилоятда шу ўлка мадҳини қаламга олаётган шоир ва ёзувчилар билан умумтаълим мактаб, ва ихтисослаштирилган мактаблар, олий ўқув юрти талабалари мунтазам бевосита уларнинг ижодий фаолиятидан баҳраманд бўларди. Илмий тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммаси учун уларнинг асарларини рақамлаштирилган электрон шаклларини тайёрлаш билан ўлка ижодкорларнинг ижодини мамлакатамиизда ва хорижий давлатларда ҳам тарғиб этган бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов, Н. Тошкент шоирлари / Н. Каримов, Р. Баракаев. – Тошкент: Фан, 2007.–88 б.
2. Йўлдошев, Б. Қашқадарё адиблари: адабий портретларга чизгилар / Б. Йўлдошев. – Тошкент: Олтин-нашр, 2020.–488 б.
3. Самарқанд ижодкорлари: библиографик тўплам/ масъул мухаррир. – Тошкент: Mashur-Press, 2018.–384 б
4. Матмурадова, М.И. Ўлкашунослик адабий библиографик манбалар / М.И. Матмурадова // Бетгекрхонлик–2009:” Ўзбекистон миллий маданиятини ривожлантириша кутубхона ўлкашунослигининг роли” Давра сұхбати материаллари тўплами = Бетгеровекие чтения–2009: Сборник материалов круглого стола:» Библиотечное краеведение в развитии национальной культуры

Узбекистана»/Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими; таҳрир кенгаши А.О.Умаров, И.З. Маминрова, У.Ф.Каримов.–Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.–Б.80–84.

5. Матмурадова, М. И. Хоразм адабий–маълумотнома манбалар / М. И. Матмурадова// Fan, ta’lim ,madaniyat va biznesda internet va axborot-kutubxonaresurlar = Интернет и информационно библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре, и бизнесе = Internet informfrion and library resources in science, education culture and business “ Centrai Asia-2018 18-20 aprel” XII- Xalqaro konferensiya materiallari.–Тошкент:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий куитубхонаси нашриёти, 2018.–Б. 185–188.

6. Матмурадова, М. И. Ўлка ҳакидаги адабий биографик луғатлар, уларнинг ахборот-библиография хизматида тутган ўрни /М.И.Матмурадова // Fan, ta’lim, madaniyat va biznesda internet va axborot-kutubxona- resurlar = Интернет и информационно библиотечные ресурсы в науке, образовании, культуре, и бизнесе = Internet informfrion and library resources in science, education culture and business “Centrai Asia-2022 25-27 мая” XV- Xalqaro konferensiya materiallari.–Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2022.–Б. 232–234.

7. Матмурадова М. И., Ҳусанова Д. Ю.Ўлкашунослик адабий библиографик маълумотнома нашрлар / М.И Матмурадова, Д. Ю. Ҳусанова // Pedagogs.UZ.–2023.–№48.–Б.207.–213.